أَوْرَادِ فَتْحِيَّة

АВРОДИ ФАТҲИЯ

ЗИКР ВА ДУОЛАР МАЖМУАСИ

Музаффар КОМИЛОВ

«АВРОДИ ФАТҲИЯ»

ЗИКР ВА ДУОЛАР МАЖМУАСИ

(қайта ишланган учинчи нашр)

«HILOL-NASHR»
ТОШКЕНТ
2020

УЎК 28-534.3
КБК 86.38
А-23

«Авроди фатҳия»нинг 1900 йили Тошкентда чоп этилган арабча нусхасидан ўзбек тилига таржима қилишда яқиндан кўмак берган қўқонлик **Носиржон ҳожи ўғли Фазлиддин ҳожи** ва рафиқалари **Маҳфузахон Нўъмонхон тўра қизи**га ўз миннатдорчилигимни изҳор этаман.

Мазкур рисолада аждодларимиз доимий равишда қўллаб келган вирдларнинг (авродларнинг) кенг тарқалган нусхаларидан бири тақдим этилмоқда. Вирдлар асосан нафл (қўшимча) ибодатлар таркибига кирган бўлиб, улар суфийлар ва умуман инсонларнинг руҳларини поклашда, маънавий юксалишларида хизмат қилган. Бугунги кунда ҳам миллий ва диний меросимизни тиклашда «Авроди фатҳия» каби рисолалар муҳим ўрин тутади ва тақдим этилаётган нашр исломшунос мутахассислар ҳамда барча қизиқувчи китобхонлар эътиборини ўзига жалб этади, деган умиддамиз.

Тақризчи: ***Бахтиёр Бобожонов***
тарих фанлари доктори

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2020 йил 17 июндаги 3359-рақамли хулосаси асосида чоп этилди.

А–23 **Музаффар Комилов**
«Авроди фатҳия» – зикр ва дуолар мажмуаси.
Т.: «Hilol-Nashr», 2020. – 96 б.

УЎК 28-534.3
КБК 86.38

ISBN 978-9943-6458-2-0

© Музаффар Комилов
© «HILOL-NASHR» нашриёти, 2020.



МУҚАДДИМА

Сўнгги даврларда узоқ Шарқ мамлакатлари, Жанубий ва Ғарбий Африка, Европа, ҳатто Америкада ҳам суфийлик тариқатлари фаолият кўрсатаётганлиги маълум бўлмоқда. Жумладан, мамлакатимизда ҳам мутасаввиф олимларга, хусусан, тасаввуфга бўлган қизиқиш ортди.

Маълумки, тасаввуф мусулмонларнинг ахлоқий таълим тарбияси билан шуғулланувчи бир жамият бўлиб, ҳам инсоннинг нафсини тарбиялайди, ҳам жамиятда кишининг бошқалар олдидаги бурчи ва масъулиятини орттиради. Тасаввуф, бир жиҳатдан шахснинг Яратувчига, ўзига, яшаб турган жамиятдаги муҳитга ва ҳатто барча махлуқотга нисбатан юксак муносабатини акс эттирувчи бир тариқатдир. Хожа Юсуф Ҳамадоний, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Хожа Аҳмад Яссавий ва Хожа Баҳоуддин Нақшбанд каби буюк мутасаввифлар олимларнинг ирфоний ҳамда тарбиявий даражаларини оширишда муҳим роль ўйнадилар.

Манбаларда келтирилишича, баъзи мусулмонлар калом ва мантиқ илмларига оид турли кўринишдаги тортишувлардан, қуруқ баҳслардан ўз қалбларини сақлаб, Аллоҳ таолонинг муҳаббати йўлида зуҳд ва тақвони ўзларига касб қилиб олдилар. Бу каби кишиларга "суфий" деб ном берилди. Ислом динида биринчи суфий номини олганлардан Абу Ҳошим Шомий (ваф. 160/776-77), тасаввуф усулига илк марта шарҳ берган киши Имом Моликнинг шогирди Зуннуни Мисрий (ваф. 256/869-70), минбардан туриб, мусулмонларни биринчи маротаба тасаввуфга чақирган зот Абу Бакр Шиблий (ваф. 334/945-46), тасаввуф усулини кенгайтириб, тартибга солган киши Жунайд Бағдодий (ваф. 398/1007-08) эди. Аёллардан дастлабки суфий Робиа Адавиядир (ваф. 135/752-53). Умуман олганда, тасаввуфнинг ривожланиш йўли ислом тарихининг ажралмас бир бўлагидир.

VIII-IX асрдан эътиборан юзага келган тасаввуф ҳаракати тез орада Ислом динининг ҳар тарафга ёйилишида муҳим ўрин тутди. Диний қадриятларни шахс ва жамият ҳаётига энг барқарор шаклда жо этиб, амалий турмушга айлантириш учун ҳаракат қилган суфийлар илк даврларданоқ дин арконларини тарғиб этишга катта аҳамият бердилар. Улар ислом етиб бормаган халқлар орасига кириб, ўзига хос таъсирли йўллар билан диний аҳкомларни тушунтирдилар. Исломнинг тарқалиш жуғрофиясига назар солсак, Эрон, Хуросон, Ҳиндистон, Марказий Осиё, Кавказ, Онадўли, Болқон, Шимолий Африка

каби кўплаб минтақа халқларининг мусулмонлашувига суфий дарвешлар муҳим ҳисса қўшганликларига гувоҳ бўламиз. Яна бир эътиборга лойиқ жиҳати шундаки, Ислом асосларини тасаввуф намояндалари воситасида таниб, ўрганган жамиятларда диний турмуш тарзи мустаҳкам ўрнашиб, чуқур илдиз отган. Бунга мутасаввифларнинг дин қоидаларини тушунтиришдаги самимиятлари, қўллаган усулларининг жозибадор ва инсонпарварлиги кучли таъсир кўрсатган. Исломни ташвиқ этишга бу қадар аҳамият берган тасаввуф ва тариқат вакиллари бошқа миллатлар қатори туркий халқларнинг ҳам исломий маърифатдан баҳраманд бўлишларига беқиёс ҳисса қўшганлар. Туркийлар билан дастлаб IX-X асрларда алоқа боғлаган суфийлар Ҳирот, Нишопур, Марв, Бухоро, Фарғона каби марказий шаҳарларда қизғин фаолият кўрсата бошлаганлар. XII-XIII асрга келиб, Марказий Осиё уларнинг саъй-ҳаракатлари билан тасаввуф ва тариқат илмининг марказига айланди. Шаҳар ва қишлоқ аҳли, камбағал-дан тортиб бойу ҳукмдорга қадар бўлган турли тоифа вакиллари улуғ мутасаввифларнинг маънавий таъсирида бўлдилар. Яссавия, кубравия, нақшбандия каби йирик тариқатлар ана шу давр маҳсули ўлароқ Марказий Осиёда бунёд этилган илк Ислом тариқатларидир. Мўғул истилоси пайтида қийин аҳволда қолган халқ бу тариқат вакилларининг ҳаракатлари туфайли маънавий таскин топган.

Мусулмон оламининг шарқий чегараси ҳисобланган Марказий Осиёда тасаввуфий фаолият қизғин да-

вом этиши натижасида дастлаб яссавийлик ва кубравийлик, кейинроқ нақшбандийлик тариқатлари юзага келди. Мусулмон аҳоли бу тариқатларнинг моддий ва маънавий муҳофазаси остига кирдилар. Тарихчи Арнольднинг ёзишича, мўғуллар истилоси туфайли қаттиқ қўрқув ва қийинчиликка гирифтор бўлган халқлар тариқатларни ўзлари учун руҳий тасалли манбаи сифатида эътироф этдилар. Бу даврларда Марказий Осиё халқлари пиру муршидларнинг даъватлари билан тариқат мухлисларига айландилар.

Барчамизга маълумки, қалам аҳли узоқ даврлар мобайнида тасаввуф ва тариқатлар мавзусида араб, форс ва туркий тилларда кўплаб илмий, адабий, тарихий ва маноқибий асарлар ёздилар. Тафаккурдан қаламга ўтган бундай асарлардан бугунги кунда жуда оз қисмига эгамиз, холос. Бу шахслар ўша даврлардаёқ ўзлари яшаб турган ҳудудларнинг маънавияти, маданияти, санъати ва фалсафасига сезиларли таъсир кўрсатиб келганлар. Уларнинг асарлари Хитойдан Мисргача, Истанбулдан Ҳинд океани соҳилларига қадар кенг бир минтақада қўлма-қўл бўлиб мутолаа этиларди. Бугунга келиб, уларнинг ёдгорликлари воқеа-ҳодисалар гирдобида йўқ бўлиб, унутилиш арафасига келиб қолган. Дунёқарашларнинг энг нодир намуналари дунё кутубхоналарининг турли бурчакларидаги мажмуалар орасида, назар ва эътибордан узоқ ҳолатда қолиб кетмоқда.

ҚАЛБИНГГА ҚУЛОҚ СОЛ!

Тун қоронғисида Аллоҳга ибодат қил
ва саҳарда ундан раҳм-шафқат сўра.
Ҳофиз

Инсонни комиллик сари етаклайдиган, унинг қалбига малҳам, даво бўлгувчи амаллардан бири зикрдир. Зикр ҳар куни маълум вақт ичида Аллоҳни ёд этиб, ибодат қилмоқдир. Олим ва орифлар томонидан махсус зикрларнинг бир қисми белгилаб қўйилган бўлиб, улар зикр этувчиларнинг хоҳиш-иродасига ҳавола этилади. Бу зикрларнинг вақти, сони, шакли ва уларни бажариш услуби **«Аллоҳни кўпроқ зикр қилинг!»** амрига кўра, орифларнинг ижтиҳодига таяниб белгиланади. Вирд эса ҳар куни маълум вақт ичида бажариш учун белгиланган вазифалардир. Улар «Аллоҳу акбар», «ла илāҳа иллаллоҳ» каби зикр сўзлари ёнидаги намоз, Қуръони Карим тиловати, салавотур-Расул, тафаккур, муроқаба ва шу каби амаллардан иборатдир. Бу вазифалар динда мақталган зикрлар ва амаллар ичидан танлаб олинган.

«Вирд» сўзи луғатда қуйидагича талқин этилади: *вирд* – ҳар кунги меҳнат ёки доимий иш ва мажбуриятлар мажмуидир. Бу сўз кундалик ибодатлар маъносини ҳам англатиши мумкин.

Суфийлик атамашунослигида вирд Қуръони Карим сураларини, ҳадисларни, маълум бир сўз ва ибораларни белгиланган вақтда такрорлаш демак-

дир. Улар устоз рухсати билан ва ички покизаликка (тозаликка) риоя этган ҳолда ўқилади. *Вирд* – нафақат Аллоҳни эслаш, балки Ундан гуноҳларни кечиришни илтижо қилишдир.

Қуръони Каримда вирднинг маъносини очиб берувчи оятлар қуйидаги мазмунда келади:

وَٱذۡكُرِ ٱسۡمَ رَبِّكَ بُكۡرَةٗ وَأَصِيلٗا ٢٥ وَمِنَ ٱلَّيۡلِ فَٱسۡجُدۡ لَهُۥ وَسَبِّحۡهُ لَيۡلٗا طَوِيلٗا ٢٦

1. «...Ва эртаю кеч Парвардигорингизнинг номини зикр қилинг! Яна кечанинг бир қисмида ҳам У Зотга сажда қилинг ва тунда узоқ (бедор бўлиб) У Зотга тасбеҳ айтинг!» (Қуръони Карим, 76:25-26).

فَٱصۡبِرۡ عَلَىٰ مَا يَقُولُونَ وَسَبِّحۡ بِحَمۡدِ رَبِّكَ قَبۡلَ طُلُوعِ ٱلشَّمۡسِ وَقَبۡلَ غُرُوبِهَاۖ وَمِنۡ ءَانَآيِٕ ٱلَّيۡلِ فَسَبِّحۡ وَأَطۡرَافَ ٱلنَّهَارِ لَعَلَّكَ تَرۡضَىٰ ١٣٠

2. «...Қуёш чиқишидан илгари ва ботишидан аввал Парвардигорингизга ҳамду сано айтиш билан (У Зотни) покланг – намоз ўқинг! Кеча (нинг аввалги ва охирги) вақтларида ҳамда кундуз (нинг аввалги ва охирги) тарафларида ҳам тасбеҳ – намоз ўқинг, шояд хурсанд бўлурсиз». (Қуръони Карим, 20:130).

إِنَّ ٱلْمُتَّقِينَ فِى جَنَّٰتٍ وَعُيُونٍ ﴿١٥﴾ ءَاخِذِينَ مَآ ءَاتَىٰهُمْ
رَبُّهُمْ ۚ إِنَّهُمْ كَانُوا۟ قَبْلَ ذَٰلِكَ مُحْسِنِينَ ﴿١٦﴾ كَانُوا۟ قَلِيلًا مِّنَ
ٱلَّيْلِ مَا يَهْجَعُونَ ﴿١٧﴾ وَبِٱلْأَسْحَارِ هُمْ يَسْتَغْفِرُونَ ﴿١٨﴾

3. «...*Албатта, тақводор зотлар* (у Кунда) *Парвардигор ўзларига ато этган нарсаларни* (ажр-мукофотларни) *қабул қилган ҳолларида жаннатлар ва булоқлар устида бўлурлар. Зеро улар бундан илгари* (яъни ҳаёти-дунёдалик чоғларида) *чиройли амаллар қилгувчи эдилар. Улар кечада озгина* (фурсатгина) *кўз юмар эдилар. Ва саҳарларда улар* (қилган саҳву хатолари учун Парвардигордан) *мағфират сўрар эдилар*». (Қуръони Карим, 51:15 – 18).

Баъзи суфий шайхлар вирд амалиётини шунчалик муҳим деб ҳисоблашганки, бунинг натижасида ҳатто ушбу ҳикматли сўз пайдо бўлган: «Вирдсиз варид бўлмас». Варид суфийнинг юрагида кечаётган барча туйғу ва ҳис-ҳаяжонлардан иборат илоҳий ўй-хаёллар сирасига киради. Саъдий шундай деган:

«Тун сукунатида қалбимга кираётган Сенинг варидингдан юксакроқ ҳеч нарса йўқ».

Эндигина суфийлик йўлидан кетаётганлар учун доим Аллоҳни қалбдан зикр этиш ҳолатида бўлиш мураккабдир. Кўпчилик суфийлар чалғишади, бундай ҳолатдан ноқулайлик сезишади (айниқса, ёд этиш учун етарли қобилиятга эга бўлмаганлар).

Шунинг учун турли хил вирдлар мавжуд. Улардан айримлари намоз (ҳар кунги ибодат) каби жисмоний хусусиятга эга, бошқалари овоз чиқариб айтилади. Масалан, Қуръон ўқиш ва тасбеҳ. Вирднинг бошқа турлари қалб ёрдамида амалга оширилади, масалан, фикр ва тафаккур. Шу туфайли суфийнинг ўй-фикрлари бўлинмайди, чунки у ҳар он фикр юритиш билан машғулдир. Бундан ташқари бир ҳолатдан иккинчисига ўтишнинг ўзи хотиржамлик ва осойишталик бағишлайди.

Суфийликни эндигина танлаганлар юракдан зикр этиш учун ўз фикр-хаёлларини жамлашга вақти-вақти билан қодир бўлмай қоладилар. Баъзан уринишлар тескари натижага олиб келади. Шунинг учун бундай пайтларда вирд амалиётида фикрни жамлаш яхшироқдир. Уни илгариги ҳолатдан чиқиб кетмагунча ва юракдан зикр этиш қобилияти пайдо бўлмагунча давом эттириш зарур.

Зикрни илми бор бир киши танлаб қўллайди ёки бу вазифалар билимдон устозга тобе бўлиб, унинг назорати остида бажарилади.

Ушбу зикрларни ёлғиз ўзи бажарадиган киши олим, ориф, комил ва тажрибали бўлиши керак. Акс ҳолда, ишнинг қийинчилиги, таҳликаси кўп бўлади. Чунки зикрлар фойдалари ва натижалари фарқли бўлган дорилар кабидир. Билимдон бўлмаган киши қалбга дори бўладиган зикрни танлашда адашиши, амал қилишда хато қилиши, чалкаштириши мумкин. Комил устоз маънавий касалликларнинг мутахассис

ҳакими бўлиб, қайси маънавий касалликка қандай зикр даво бўлишини яхши билади. Шунга кўра, устоз ўгитларини пухта ўрганиш тавсия этилади.

Баъзи шайхлар ва камолотга эришган суфийлар шу даражада умумийлик ҳолатига тушиб қолганларки, ҳатто баъзан улар вирддан кўра сукунатни маъқул кўришган. Бироқ ҳар қандай ҳолат одамда барқарор бўлмаганидек, бундай ҳолатдан чиққач, улар яна вирд амалиётига қайтишган. Бошқа шайхлар умумийлик ҳолатида ҳам вирдни амалга оширишда давом этишган. Улар орасида *Жунайд Бағдодийни* айтиб ўтиш мумкин. У ҳақда Хужвирийнинг «Кашфу-л-маҳжуб»ида шундай ҳикоя қилинади:

Жунайд Бағдодийнинг қариган пайтида ҳам ёшлигидаги ибодатларини такрорлаб юраверганидан ҳайрон қолган шогирдлари бир куни унга шундай дейишди: «Эй шайх, Сиз шу даражга буюк шараф ва мақом соҳиби бўлган бир инсон бўлсангиз, ҳалиям қўлингизда тасбеҳ олиб юрибсизми? Шундай ёшга етдингизки, уларнинг маълум қисмидан воз кечсангиз ҳам бўлади». Буюк ориф бунга жавобан: «Ҳа, тасбеҳ олиб юрибман. Бошида нима топган бўлсам вирд ёрдамида эришдим. У менинг ушбу мақомларга эришишим сабабидир. Шунинг учун охирда ҳам бу амалдан воз кечмайман ва уни ҳеч қачон тарк этмайман», – деган эканлар.

Доимий ибодат, яъни вирднинг асосий тамойилларидан бири шундаки, суфийнинг онги Аллоҳга қаратилган бўлиши керак. Бу жараёнда унинг ички ва ташқи дунёлари уйғунлашади. Ёлғиз қолганида ва одамлар орасида унинг диққат маркази фақат

Аллоҳда бўлади. Бунда суфий тўлалигича Аллоҳга берилади, унинг сўзлари ҳам Аллоҳ номидан айтилади ва Аллоҳга хизмат қилишга қаратилади.

Вирд турлари:

1. Намоз (ҳар кунги ибодатлар).

Суфий шайхлари анъаналарга риоя этган ҳолда намозга шундай талқин беришган, намоз – вирд турларидан энг фазилатлиси ва мавжуд амаллардан энг етуги. Намоз икки тоифага ажратилади:

а) исломда ҳар кунги беш маҳал фарз ибодатлар шариат қонуниятларига мувофиқ, мунтазам равишда амалга оширилади;

б) тавсия қилинадиган намозлар. Улар устоз рухсати билан ўқилади, шариат кўрсатмаларига мувофиқ бўлади ва маълум ҳолатлар билан боғланади.

Тавсия этиладиган намозлардан айримлари *нафл* деб аталади, бу ибодатни устоз ўз шогирдларига тавсия этиши мумкин. Шайхлар бундай ибодатни эрталабки ва кечқурунги намоз пайтида ўқиш мумкинлигини таъкидлашган. Кўпгина шайхлар нафлни шу даражада муҳим деб билишганки, уларнинг бирон-тасини ҳам ўтказиб юбормасликка ҳаракат қилишган.

Имом Бухорийнинг «Жомеъус-саҳиҳ»ида келишича:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ إِنَّ اللَّهَ قَالَ...وَمَا يَزَالُ عَبْدِي يَتَقَرَّبُ إِلَيَّ بِالنَّوَافِلِ حَتَّى أُحِبَّهُ،

فَإِذَا أَحْبَبْتُهُ كُنْتُ سَمْعَهُ الَّذِي يَسْمَعُ بِهِ، وَبَصَرَهُ الَّذِي يُبْصِرُ بِهِ، وَيَدَهُ الَّتِي يَبْطِشُ بِهَا، وَرِجْلَهُ الَّتِي يَمْشِي بِهَا، وَإِنْ سَأَلَنِي لَأُعْطِيَنَّهُ، وَلَئِنِ اسْتَعَاذَنِي لَأُعِيذَنَّهُ

…Агар бандам нафл *ибодатлар билан Менга яқинлашиб бораверса, Мен уни яхши кўргайман. Мен агар бирор бандамни яхши кўриб қолсам, унинг эшитмоғи учун қулоқ, кўрмоғи учун кўз, ушламоғи учун қўл, юрмоғи учун оёқ бўлгайман. (Бандам) мендан бирор нарса тиласа, тилагини раво қиламан. Мендан (бирор ёмонликдан) паноҳ сўраса, паноҳ бергайман…*

2. Тариқат вирди.

Вирднинг бу тури 2 тоифага бўлинади:

а) фарз ибодатларидан кейин ўқиладиган вирд:

– беш маҳал ўқиладиган намоздан кейин *Субҳāналлоҳ* (33 марта), *Алҳамдулиллāҳ* (33 марта) ва *Аллоҳу Акбар* иборасини (33 марта) айтиш;

– ҳар бир намоздан кейин 3 мартадан бошлаб то 100 мартагача *Лā илāҳа иллаллоҳ* иборасини айтиш;

– ҳар бир намозни ўқиб бўлгандан сўнг Оятул курсийни ўқиш;

– Қунут дуосини айтиш ҳам тавсия этилади;

– вирд амалини доимий равишда бажарувчи ва яхши амаллар қилувчи инсон такаббурлик кайфиятига тушиб қолиши мумкин. Бунда унинг юраги ғубор билан қопланади, ўй-фикрида эса уни Аллоҳдан ажратувчи юпқа парда пайдо бўлади.

Бунинг олдини олиш учун ҳар бир фарз ибодатдан сўнг суфий саждага бош эгиб, ўз ўй-хаёлларини жамлаб муроқаба ҳолатида Аллоҳга қараб қуйидаги вирдни уч, беш ёки етти марта айтиши керак:

«Йā муфаттиҳа-л-абвāб, йā мусаббиба-л-асбāб, йā муқаллибал-қулуби ва-л-абсор, йā мудаббирал-лайли ва-н-наҳāр, йā муҳаввилал-ҳāли ва-л-аҳвāл, ҳаввил аҳвāланā илā аҳсанил-ҳāл».

б) маълум вақтда ва маълум миқдорда такрорланадиган, устоз томонидан тавсия этиладиган вирдлар.

Улар қуйидагилардан иборат:

1. *Лā илāҳа иллā анта, субҳāнака иннī кунту мин аз-золимīн* («Сендан бошқа илоҳ йўқ, Сен поксан, мен ўзимга зулм қилгувчиман» (Қуръони Карим, 21:87) 110 марта айтилади.

Суфийлик нуқтаи назаридан олиб қаралганда, Юнус пайғамбар ўзининг табиатидаги «мен»и зулматида, моддий дунёда чалкашиб қолди. Ёзилишича, «Юнусий» номи билан машҳур шу вирд сабабли Юнус пайғамбар балиқ ичидан чиқариб юборилган.

Ушбу вирд ёрдамида одам ўз диққатини Аллоҳга қаратади, Аллоҳнинг тенгсиз эканлигини ва ўзининг заифлигини англаб етади. Ва шунда Аллоҳ инсонни моддий дуне кишанидан соқит қилади ва уни шариат, тариқат ва ҳақиқат нури билан ёритади.

2. *Йā Ҳаййу, йā Қайюм, йā ман лā илāҳа иллā анта, бираҳматика астағīс* («Эй Барҳаёт ва эй (азалдан то абад) қоим тургувчи (Аллоҳ), Сендан бошқа илоҳ йўқ, Сендан раҳматингла паноҳ сўрайман») 41 марта айтилади.

3. *Субҳāналлоҳи ва биҳамдиҳи, субҳāналлоҳи-л-ʻазīми* («Аллоҳ покдир ва барча мақтовлар Аллоҳникидир. Буюк Аллоҳ покдир») 100 марта айтилади.

4. *Ал-ҳамдулиллаҳи, астағфируллоҳ* («Барча мақтовлар Аллоҳга (ёлғиз Унга) тегишлидир. Мен Ундан мағфират сўрайман») 100 марта айтилади.

5. *Аллоҳумма māликал-мулки, туʼтил-мулка ман ташāʼу ва танзиʼул-мулка мимман ташāʼу ва туʻиззу ман ташāʼу ва тузиллу ман ташāʼу. Бийадикал-хойру. Иннака ʻалā кулли шайʼин қодīр. Тулижул–лайла фин-наҳāри ва тулижун-наҳāра фил-лайли ва тухрижул-ҳайя мин ал-маййити ва тухрижул-маййита мин ал-ҳаййи ва тарзуқу ман ташāʼу биғойри ҳисāб* («Эй мулку давлат эгаси бўлган Аллоҳим, Сен истаган кишингга мулк ато қилурсан ва истаган кишингни азиз қилурсан ва истаган кишингдан бу мулкни тортиб олурсан, истаган кишингни хор қилурсан. Бор яхшилик ёлғиз Сенинг қўлингдадир. Албатта, Сен барча нарсага қодирсан. (Сен) кечани кундузга киритурсан ва кундузни кечага киритурсан, ўликдан тирикни чиқарурсан ва тирикдан ўликни чиқарурсан ҳамда истаган кишингга беҳисоб ризқ берурсан») (Қуръони Карим, 3:26-27) 22 марта айтилади.

6. *Бисмиллāҳир-роҳмāнир-роҳīм, лā ҳавла ва лā қуввата иллā биллāҳил-ʻалīйи-л-ʻазīм* («Меҳрибон ва раҳмдил Аллоҳ номи билан бошлайман, куч-қудрат улуғ Аллоҳдан бошқа ҳеч кимда йўқдир») 7 марта айтилади.

7. *Ҳуваллоҳул-лазӣ лā илāҳа иллā ҳу, ‘āлимул-ғойби ваш-шаҳāдати, ҳувар-роҳмānур-роҳӣм* («Ёлғиз илоҳ Аллоҳдир, кўринадиган ва кўринмайдиган нарсаларни билгувчи Ундан бошқа илоҳ йўқдир. У меҳрибон ва раҳмдилдир»).

8. Шунингдек, суфий имконият ёки шарт-шароит бўлган вақтда Қуръони Карим сураларини такрорлаши мумкин.

Ҳақ дўстларининг асосий тамойиллари – бу зикрда муршид белгилаб қўйган рақамга диққат қилиш, тартибни ҳимоялаш, услубга амал қилиш, асл мақсадга йўналмоқ ва мана шу йўсинда қалбни уйғотиб, буюк Аллоҳ билан ҳузур-ҳаловатга етишмоқдир. Қисқаси секингина дорини ичиб, шифо топишдир. Ҳар қандай ишда услуб асосдир. Услуб ишнинг пойдеворидир. Орифлар айтганидек: «Услубсиз вусул бўлмас». Яъни, услубга амал қилмаган мақсадга эришолмайди. Ушбу йўлда мақсад Аллоҳдир. Услуб эса одобга амал қилишдир. Одоб лозим бўлган ишни қилишдир. Бу йўлда нима лозимлигини раҳбар белгилайди. Раҳбар Қуръон ва суннатдир. Олимлар Қуръон ва суннатнинг таржимонларидир. Йўловчига қолгани эса раҳбарига амал қилишдир.

Орифлар Ҳақ йўловчиларига Қуръон ва суннатдан олинган бир қанча одоб ва услубларни ўргатганлар. Ушбу услублар далил ва тажрибага таянади. Мазкур услубнинг изоҳи ичида қуйидаги саволларга жавоб излаймиз:

Зикрда сон аҳамиятлими? Ҳар ким хоҳлаган шакл, усул ва сонда қудратли Аллоҳга зикр қилолмайдими? Ғоя сонми, зикрми? Зикрдан мақсад нима? Муршидлар белгилаган зикрдан ташқари чиққан бир мурид нима учун зарар кўради? Ортиқча зикрдан зарар келадими? Зикрсиз тарбия тарбия бўлмайдими? Зикр вазифаси қачон тугайди?

Зикр умумий ва махсус бўлиб, икки шаклда қилиниши мумкин:

– *Умумий зикр* маълум вақт ва миқдор (сон) белгиламасдан, кундалик ҳаётимизда ҳар доим зикр ва фикр ҳолида қалбан Аллоҳ таоло билан бўлишдир. Бу инсоннинг илоҳий севгиси, илми, тарбияси, тафаккур қобилияти ва маънавиятига қараб ўзгариши мумкин. Инсон ётиш-туриш, емоқ-ичмоқ, уловга миниш, бирор масканга кириб-чиқиш, бир ишни бошлаш ва турли-туман вазиятларга дуч келганда лозим бўлган зикрларни айтиши ушбу қисмни ташкил қилади. Бундай зикрлар кундалик вирддан бошқача бўлиб, қилинган амалнинг одоби ҳисобланади.

– *Махсус зикр* эса вақти, сони ва шакли белгиланиб қилинадиган зикрлардир. Буларнинг бир қисмини ҳазрати Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ўргатганлар. Бизга бу зикрларни у зот ўргатганларидек қилиш вазифаси юклатилган. Айни фазилат ва фойда шунда бўлиб, аксини қилган киши хайрдан маҳрум бўлиши, ҳатто зарар кўриши мумкин.

Масалан, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи васаллам) фарз намозларидан кейин ўттиз уч мартадан

«Субҳāналлоҳ», «Алҳамдулиллāҳ», «Аллоҳу акбар» зикрларини айтиш ва буни *«лā илāҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу лā шарīка лаҳ»* зикри билан тамомлар эдилар (юзга фотиҳа тортиш эса фазилат ҳисобланади). Бунга айнан амал қилиш лозим бўлади. Ушбу зикрлар намоздан кейин айтилади ва сони аниқдир. Орифлар фикрича, бу миқдордан оз ёки кўп айтиш мақсадга мувофиқ эмас. Уларни ўттиз бешга чиқарган зарар қилгани каби, ўттиз иккида тугатган ҳам зарардадир. Яъни баъзи зикрларда фазилат сонга боғланган бўлади. Сонни сақламаган киши фазилатни қочиради. Қудратли Аллоҳни зикр қилишдан зарар бўлмайди деб, бу сонни орттиришга ҳаракат қилиш тўғри эмасдир. Бу шайтоннинг ўйинидир. Чунки шайтон бандага буюрилган бирор ибодатни тамомила тарк эттиролмаса, уни исталгандан оз ёки кўп қилдириб, фазилатидан маҳрум қилдиради. Ибодатнинг асоси, Аллоҳ ва Расули томонидан буюрилгандай қилишдир.

Ислом динида вақти ва шакли белгиланган намозлар, азон, иқомат, такбирлар каби зикрлар ҳам ушбу қисмга киради. Уларни ўз ақл ва хоҳишимизга кўра орттира олмаймиз ёки камайтира олмаймиз.

Устоз тавсия этган зикрларга қаноатланмай, яхши бўлади, савоб бўлади деб, ўзига бошқа зикрлар ўйлаб топган ва фойдаланган киши бидъат қилган ҳисобланади. Бу динда бўлмаган нарсаларни яратиш демак. Бундай хатти-ҳаракат файз йўлини қирқади, эгасини гуноҳга ботиради.

Қилинган ҳар бир ишнинг хайрли бўлиши учун ният каби, амал ҳам илм, одоб ва услубга мос келиши лозим. Доримийнинг «Муқаддима»сида келтирилган ушбу мисолни яхшироқ ўйлайлик:

Тобиъун олимларидан Саид ибн Мусаййиб (раҳматуллоҳи алайҳ) бир кишининг аср намозини ўқиганидан кейин яна икки ракат намоз ўқиганини кўрдилар. Ўша одамни бундай (макруҳ) вақтда намоз ўқимаслик кераклигини айтиб, огоҳлантирдилар. Киши:

– Эй Абу Муҳаммад! Намоз ўқиганим учун Аллоҳ мени жазолайдими? – дея сўради. Саид ибн Мусаййиб:

– Намоз ўқиганинг учун эмаску-я, суннатга зид ҳаракат қилганинг учун жазолайди, – дедилар.

Ушбу мисолда бўлганидек, инсон бошқа хил ибодат қилгани учун жазоланмайди, балки устоз кўрсатган йўлига терс ҳаракат қилганлиги туфайли зарар кўради. Қилинган иш гарчи, бир тур бўлса ҳам, қоида ва услубга амал қилмаса яхшилик келтирмайди.

ЗИКРДАН АСЛ МАҚСАД НИМА?

Орифлар зикрда берилган сонга диққат қилиш билан бирга, асл мақсад сон эмас, қалб ҳузури ва ахлоқ гўзаллиги эканлигини таъкидлаганлар. Буюк ҳаким *Алоуддин Аттор* зикрдан мақсад нима эканлигини шундай изоҳлайдилар:

«Зикрда соннинг кўп бўлиши аҳамиятли эмасдир. Асл аҳамият қалб зикр этган қудратли Робби ҳузур-халоватига эришиш. Бу зикрнинг фойда бериши ва кунда асоратини кўрсатиши учун керак. Зикрнинг

таъсири аввал қалбда, кейин танада бўлади. Ҳақиқий зикр юракда Худодан бошқа ҳамма нарсани ўчиради, тозалайди. Қалбда илоҳий ишқ, тажаллий ва бирлик ҳосил бўлади. Ушбу зикр соясида инсон илоҳий тажаллийларга етишади, маърифатга эришади, илми ладун соҳиби бўлади».

Нақшбандия тариқатининг асосчиси ҳазрати *Баҳоуддин* ҳам шундай дейдилар:

«Махфий зикрда инсон, ўзлигида қудратли Аллоҳнинг бутун буюклигини ҳис қилади. Унинг тажаллийларини ҳамма нарсада мушоҳада қилади».

Орифлар айтишадики: зикрнинг сони ва шакли ўзгариши мумкин, фақат бандадан ҳеч қачон зикр вазифаси тушмайди. Бу вазифа ўлгунича давом этади. Барзах (руҳлар олами) ва охират дунёсида ҳам давом этади. Фақат зикр қанчалик юқори бўлмасин, бандадан ҳеч қайси бир ибодатни соқит қилмайди. Ҳақиқий зикр ибодатларга лаззат қўшади, қалбни қувватлантиради.

Баъзилар ҳамма нарса зикрдан иборатдек, қолган барча ибодатларни тарк этадилар. Бу катта хатодир. «Иказ ал-ҳимом» асарида келтирилишича, «Биз зикр билан етадиган жойимизга етишдик, энди… ибодатларнинг кераги йўқ. Ҳаром амаллар ҳам бизга зарар бермайди, асл мақсад қалб поклигидир» дегувчиларга буюк валий *Жунайд Бағдодий* ушбу жавобни берган эканлар: ***«Ҳа, етишдилар, лекин жаҳаннам оловига!»***

Ибн ал-Жавзийнинг «Сифат ас-сафва» асарида зилишича, суфий шайхлардан *Собит ал-Баноний* кон талвасасида ётган бир пайтда унинг ўғли отаси ёнига бориб, унга калимаи тавҳидни талқин этишини сўраб «Отажоним, лā илāҳа иллаллоҳ!» деб эслата бошлаганда, шайх ўғлига қайрилиб: «Ўғлим! Мени ўз ҳолимга қўй. Мен ҳозир кундалик вирдимни адо этиш билан машғулман», – дея жавоб берган экан.

Буюк суфий шайхларидан *Ғавс ас-соний* ҳазратлари айтганидек:

«Зикрни давом этдиринг, вирдга аҳамият беринг. Чунки қалбнинг ёлғиз давоси зикрдир... нафснинг ифлос сифатларини фақат зикр тарбиялайди».

Барча буюк инсонлар етукликка зикр ва одоб билан етишгандирлар. Бизлар ҳам ушбу шарофатдан умид қилсак, айнан шундай йўл тутишимиз лозим.

* * *

أَوْرَادٌ فَتْحِيَّةٌ

بِسْمِ اللهِ الرَّحْمنِ الرَّحِيمِ

أَسْتَغْفِرُ اللهَ العَظِيمَ * أَسْتَغْفِرُ اللهَ العَظِيمَ * أَسْتَغْفِرُ اللهَ العَظِيمَ * الَّذِي لاَ إِلَهَ إِلاَّ هُوَ الحَيُّ الْقَيُّومُ * وَأَتُوبُ إِلَيْهِ وَأَسْأَلُهُ التَّوْبَةَ

(Бисмил-лāҳир-роҳмāнир-роҳӣм. Астағфирул-лоҳал-‘азӣм * Астағфирул-лоҳал-‘азӣм * Астағфирул-лоҳал-‘азӣм * Аллазӣ лā илāҳа иллā ҳув-а-ҳаййул-қаййум * ва атубу илайҳи ва ас’алуҳу-т-тавба)

Улуғ Аллоҳдан гуноҳларимни кечиришини сўрайман. У Ҳаётдур, Қоимдур, Ўзидан бошқа илоҳ йўқдур. Унга тавба қиламан ва тавбамни қабул қилишини сўрайман.

اللَّهُمَّ أَنْتَ السَّلاَمُ، وَمِنْكَ السَّلاَمُ، وَإِلَيْكَ يَرْجِعُ السَّلاَمُ، حَيِّنَا رَبَّنَا بِالسَّلاَمِ، وَأَدْخِلْنَا دَارَ السَّلاَمَ، تَبَارَكْتَ رَبَّنَا وَتَعَالَيْتَ، يَا ذَا الجَلاَلِ وَالإِكْرَامِ

(Аллоҳумма анта-с-салāм ва минка-с-салāм ва илайка йаржи‘у-с-салāму ҳаййинā Роббанā би-с-

салāм ва адхилнā дāра-с-салāм табāрокта Роббанā ва та‘ālайта йā зал-жалāли ва-л-икрāм)

Парвардигоро, Сен Саломсан, саломатлик Сендандур ва у Сенга қайтади. Эй улуғлик ва каромат эгаси бўлган пок ва олий Зот, бизни саломатлик ҳовлисига йўлла. Эй улуғлик ва карам эгаси бўлган Роббимиз баракотли ва олий бўлдинг.

اللَّهُمَّ لَكَ الْحَمْدُ حَمْدًا يُوَافِي نِعَمَكَ وَيُكَافِي مَزِيدَ كَرَمِكَ، أَحْمَدُكَ بِجَمِيعِ مَحَامِدِكَ مَا عَلِمْتُ مِنْهَا وَمَا لَمْ أَعْلَمْ * عَلَى جَمِيعِ نِعَمِكَ مَا عَلِمْتُ مِنْهَا وَمَا لَمْ أَعْلَمْ وَعَلَى كُلِّ حَالٍ

(Аллоҳумма лака-л-ҳамду ҳамдан йувāфӣ ни‘амака ва йукāфӣ мазӣда карамика аҳмадука би жамӣ‘и маҳāмидика мā ‘алимту минҳā ва ма лам а‘лам * ‘Ала жамӣ‘и ни‘амика мā ‘алимту минҳā ва мā лам а‘лам ва ‘ала кулли ҳāл)

Аллоҳим барча неъматларингни тўла қамраб оладиган ва кенг саховатингга баробар келадиган мақтов (ҳамду сано) Сенга бўлсин. Сени ўзим билгану билмаган барча ҳамдларинг билан мақтайман. Мен билгану билмаган жамики неъматларингга ва ҳар бир ҳолатда Сенга ҳамд айтаман.

* * *

أَعُوذُ بِاللهِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيم

ٱللَّهُ لَآ إِلَٰهَ إِلَّا هُوَ ٱلْحَىُّ ٱلْقَيُّومُ ۚ لَا تَأْخُذُهُۥ سِنَةٌ
وَلَا نَوْمٌ ۚ لَّهُۥ مَا فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَا فِى ٱلْأَرْضِ ۗ مَن ذَا
ٱلَّذِى يَشْفَعُ عِندَهُۥٓ إِلَّا بِإِذْنِهِۦ ۚ يَعْلَمُ مَا بَيْنَ أَيْدِيهِمْ
وَمَا خَلْفَهُمْ ۖ وَلَا يُحِيطُونَ بِشَىْءٍ مِّنْ عِلْمِهِۦٓ إِلَّا بِمَا
شَآءَ ۚ وَسِعَ كُرْسِيُّهُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضَ ۖ وَلَا يَـُٔودُهُۥ
حِفْظُهُمَا ۚ وَهُوَ ٱلْعَلِىُّ ٱلْعَظِيمُ

(А‘узу би-л-лаҳи мина-ш-шайтонир-рожйм. Аллоҳу лā илāҳа иллā ҳува-л-ҳаййу-л-қаййум лā та’хузуҳу синатув валā навм лаҳу мā фи-с-самāвāти ва мā фи-л-арзи ман зā-л-лазӣ йашфа‘у ‘индаҳу иллā би-’изниҳи йа‘ламу мā байна айдӣҳим ва мā холфаҳум ва лā йуҳӣтуна бишай’и-м-мин ‘илмиҳӣ иллā бимā шā’а васи‘а курсиййуҳу-с-самāвāти ва-л-арза ва лā йа’удуҳу ҳифзуҳумā ва ҳува-л-‘алиййу-л-‘азӣм)

Аллоҳдан ўзга ҳеч қандай илоҳ йўқдур. Фақат Унинг Ўзи бордур. У тирик ва абадий тургувчидир. Уни на мудроқ, на уйқу олмайди. Осмонлару ердаги бор нарсалар Уникидур. Аллоҳ ҳузурида ҳеч ким (бировни) Унинг изнисиз оқлай олмайди. У уларнинг (барча одамларнинг) олдиларидаги ва орқаларидаги бор нарсани билади. Ва

улар У Зотнинг илмидан фақат Ўзи истаган нарсалар-нигина биладилар. Унинг арши-курсиси осмонлар ва ер-дан кенгдир. Ва Уни осмонлар ва ерни ҳимоялаб тури-ш қийнамайди. У энг юксак ва буюкдур.

سُبْحَانَ اللهِ **- (Субҳāна-л-лоҳи)**
Аллоҳ покдир (33 марта)

اَلْحَمْدُ للهِ **- (Ал-ҳамду лиллāҳи)**
Мақтов Аллоҳга хосдир (33 марта)

اللهُ أَكْبَرُ **- (Аллоҳу акбар)**
Аллоҳ Буюкдир (33 марта)

لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ وَحْدَهُ لاَ شَرِيكَ لَهُ، لَهُ الْمُلْكُ وَلَهُ الْحَمْدُ، وَ هُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ

(Лā илāҳа илла-л-лоҳу ваҳдаҳу лā шарīка лаҳ, лаҳу-л-мулку ва лаҳу-л-ҳамду ва ҳува ‘алā кулли шай’ин қодīр)

Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир, ёлғиз Унинг Ўзигина бор-дир. Унинг шериги йўқдир. Барча мулк ва мақтовлар Унга хосдир. Ва У барча нарсага қодирдир (10 марта).

لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ الْمَلِكُ الْجَبَّارُ

(Лā илāҳа илла-л-лоҳу ал-Малику-л-Жаббāр)
Қудратли Подшоҳ бўлган Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир.

لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ الْوَاحِدُ الْقَهَّارُ

(Лā илāҳа илла-л-лоҳу ал-Вāҳиду-л-Қаҳҳāр)
Қаҳрли, Ягона Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир.

لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ الْعَزِيزُ الْغَفَّارُ

(Лā илāҳа илла-л-лоҳу ал-‘Азӣзу-л-Ғаффāр)
Кечиримли, Азиз Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир.

لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ الْكَرِيمُ السَّتَّارُ

(Лā илāҳа илла-л-лоҳу ал-Карӣму-с-саттāр)
Айбларни беркитувчи, Саховатли Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир (яъни, бандаларнинг кечаю кундуз қилаётган гуноҳларини беркитгувчидир).

لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ الْكَبِيرُ الْمُتَعَالِي

(Лā илāҳа илла-л-лоҳу ал-Кабӣру-л-Мута‘āлий)
Буюк ва Олий Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир.

لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ خَالِقُ اللَّيْلِ وَالنَّهَارِ

(Лā илāҳа илла-л-лоҳу Хāлиқу-л-лайли ва-н-наҳāри)
Кеча ва кундузни Яратувчи Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир.

لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ الْمَعْبُودُ بِكُلِّ مَكَانٍ

(Лā илāҳа илла-л-лоҳу ал-Ма‘буду би кулли макāн)
Ҳар бир маконда ибодат қилинадиган Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқдир.

لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ الْمَذْكُورُ بِكُلِّ لِسَانٍ

(Лā илāҳа илла-л-лоҳу ал-Мазкуру би кулли лисāн)
Барча тилларда зикр қилинадиган Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир.

لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ الْمَعْرُوفُ بِكُلِّ إِحْسَانٍ

(Лā илāҳа илла-л-лоҳу ал-Ма‘руфу би кулли иҳсāн)
Жамики яхшилик билан танилган Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир.

لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ كُلَّ يَوْمٍ هُوَ فِي شَأنٍ

(Лā илāҳа илла-л-лоҳу кулла йавмин ҳува фӣ ша’н)
Ҳар куни иш амалида бўлган У Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир.

لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ إِيْمانًا بِاللهِ

(Лā илāҳа илла-л-лоҳу ӣмāнан би-л-лāҳ)
Иймон келтирилган Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир.

لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ أمانًا مِنَ اللهِ

(Лā илāҳа илла-л-лоҳу амāнан мина-л-лоҳ)
Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқдир. Омонлик Аллоҳдандир.

لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ أَمَانَةً مِنْ عِنْدِ اللهِ

(Лā илāҳа илла-л-лоҳу амāнатан мин ‘инди-л-лāҳ)
Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир. Омонат Аллоҳдандир.

لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ وَلاَ حَوْلَ وَلاَ قُوَّةَ إِلاَّ بِاللهِ

(Лā илāҳа илла-л-лоҳу ва лā ҳавла ва лā қуввата иллā би-л-лāҳ)
Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир. Куч ва қувват фақат Аллоҳ биландир.

لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ وَلاَ نَعْبُدُ إِلاَّ إِيَّاهُ

(Лā илāҳа илла-л-лоҳу ва лā на‘буду иллā иййāҳу)
Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир. Унинг Ўзигагина ибодат қиламиз.

لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ حَقًّا حَقًّا

(Лā илāҳа илла-л-лоҳу ҳаққон ҳаққо)
Ҳақлиги ҳақ бўлган Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ (деймиз).

لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ إِيْمَانًا وَصِدْقًا

(Лā илāҳа илла-л-лоҳу ймāнан ва сидқо)

Имон келтириб ва тасдиқлаб, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ (деймиз).

لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ تَعَبُّدًا وَرِقًّا

(Лā илāҳа илла-л-лоҳу та‘аббудан ва риққо)

Унга ибодат ва қулчилик қилиб, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ (деймиз).

لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ تَلَطُّفًا وَرِفْقًا

(Лā илāҳа илла-л-лоҳу талаттуфан ва рифқо)

Лутф ва марҳаматда (ягона бўлган) Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ .

لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ قَبْلَ كُلِّ شَيْءٍ

(Лā илāҳа илла-л-лоҳу қобла кулли шай’ин)

Барча нарсадан олдин (мавжуд бўлган) Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ.

لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ بَعْدَ كُلِّ شَيْءٍ

(Лā илāҳа илла-л-лоҳу ба‘да кули шай’ин)

Ҳамма нарсадан кейин (қолувчи) Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ.

لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ يَبْقَى رَبُّنَا وَيَفْنَى وَيَمُوتُ كُلُّ شَيْءٍ

(Лā илāҳа илла-л-лоҳу йабқо Роббунā ва йафнā ва йамуту куллу шай’ин)

Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир. Барча нарса йўқ бўлади ва ўлади. Роббимиз ўзигина боқий қолади.

لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ الْمَلِكُ الْحَقُّ الْمُبِينُ

(Лā илāҳа илла-л-лоҳу ал-Малику-л-ҳаққу-л-мубӣн)
Очиқ-равшан, Ҳақ Подшоҳ Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ.

لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ الْمَلِكُ الْحَقُّ الْيَقِينُ

(Лā илāҳа илла-л-лоҳу ал-Малику-л-ҳаққу-л-йақӣн)
Ишончли, Ҳақ Подшоҳ Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ.

لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ الْعَلِيُّ الْعَظِيمُ

(Лā илāҳа илла-л-лоҳу ал-‘Алиййу-л-‘Азӣм)
Олий, Буюк Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ.

لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ الْحَلِيمُ الْكَرِيمُ

(Лā илāҳа илла-л-лоҳу ал-Ҳалӣму-л-Карӣм)
Ҳалим, Саховатли Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир.

لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ رَبُّ السَّمَاوَاتِ السَّبْعِ وَرَبُّ الْعَرْشِ الْعَظِيم

(Лā илāҳа илла-л-лоҳу Роббу-с-самāвāти-с-саб‘и ва Роббу-л-‘арши-л-‘азӣм)

Етти қат осмон ва буюк аршнинг Эгаси Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ.

لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ أَكْرَمُ الأَكْرَمِينَ

(Лā илāҳа илла-л-лоҳу Акраму-л-акрамӣн)

Саховатпешаларнинг Саховатлиси Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ.

لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ أَرْحَمُ الرَّاحِمِينَ

(Лā илāҳа илла-л-лоҳу Арҳаму-р-рāҳимӣн)

Раҳимдиллар Раҳимдили Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ.

لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ حَبِيبُ التَّوَّابِينَ

(Лā илāҳа илла-л-лоҳу Ҳабӣбу-т-таввāбӣн)

Тавба қилувчилар Ҳабиби Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ.

لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ رَاحِمُ الْمَسَاكِينَ

(Лā илāҳа илла-л-лоҳу Рāҳиму-л-масāкӣн)

Мискин(камбағал)лар Раҳимдили Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ.

لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ هَادِي الْمُضِلّينَ

(Лā илāҳа илла-л-лоҳу Ҳāди-л-музиллйн)
Адашганлар Ҳидоятчиси Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ.

لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ دَلِيلُ الْحَائِرِينَ

(Лā илāҳа илла-л-лоҳу Далйлу-л-ҳā'ирйн)
Саргардонлар Маёғи Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ.

لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ أَمَانُ الْخَائِفِينَ

(Лā илāҳа илла-л-лоҳу Амāну-л-хо'ифйн)
(Роббидан) қўрқувчиларга таскин (бергувчи) Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ.

لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ غِيَاثُ الْمُسْتَغِيثِينَ

(Лā илāҳа илла-л-лоҳу Ғийāсу-л-мустағисйн)
Ёрдамга чақирувчиларга мадад бергувчи (фарёд этувчиларнинг оҳига етгувчи) Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ.

لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ خَيْرُ النَّاصِرِينَ

(Лā илāҳа илла-л-лоҳу Хойру-н-нāсирйн)
Ёрдам берувчиларнинг яхшиси Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ.

لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ خَيْرُ الْحَافِظِينَ

(Лā илāҳа илла-л-лоҳу Хойру-л-ҳāфизӣн)
Сақловчиларнинг яхшиси Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ.

لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ خَيْرُ الْوَارِثِينَ

(Лā илāҳа илла-л-лоҳу Хойру-л-вāрисӣн)
Ворисларнинг яхшиси Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ.

لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ خَيْرُ الْحَاكِمِينَ

(Лā илāҳа илла-л-лоҳу Хойру-л-ҳāкимӣн)
Ҳукм қилувчиларнинг яхшиси Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ.

لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ خَيْرُ الرَّازِقِينَ

(Лā илāҳа илла-л-лоҳу Хойру-р-розиқӣн)
Ризқ берувчиларнинг яхшиси Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ.

لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ خَيْرُ الْفَاتِحِينَ

(Лā илāҳа илла-л-лоҳу Хойру-л-фāтиҳӣн)
(Фаровонлик эшигини) очувчиларнинг яхшиси Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ.

لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ خَيْرُ الْغَافِرِينَ

(Лā илāҳа илла-л-лоҳу Хойру-л-ғофирӣн)
Кечирувчиларнинг яхшиси Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ.

لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ خَيْرُ الرَّاحِمِينَ

(Лā илāҳа илла-л-лоҳу Хойру-р-роҳимӣн)
Раҳмдилларнинг яхшиси Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ.

لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ وَحْدَهُ، وَصَدَقَ وَعْدَهُ، وَنَصَرَ عَبْدَهُ، وَأَعَزَّ جُنْدَهُ، وَهَزَمَ الأَحْزَابَ وَحْدَهُ، وَلاَ شَيْءَ بَعْدَهُ

(Лā илāҳа илла-л-лоҳу Ваҳдаҳу ва содақа ва‘даҳу ва насара ‘абдаҳу ва а‘азза жундаҳу ва ҳазама-л-аҳзāба ваҳдаҳу ва лā шай’а ба‘даҳу)
Ёлғиз Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. Ваъдаси содиқ бўлиб, бандасига ёрдам берди, қўшинини ғолиб қилди, (мухолиф) гуруҳларни бир ўзи тор-мор қилди. Ундан сўнг ҳеч нарса йўқ (ёлғиз Ўзидир).

لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ عَدَدَ خَلْقِهِ، وَزِنَةَ عَرْشِهِ، وَرِضَاءَ نَفْسِهِ، وَمِدَادَ كَلِمَاتِهِ

(Лā илāҳа илла-л-лоҳу ‘адада холқиҳӣ ва зината ‘аршиҳӣ ва ризо’а нафсиҳӣ ва мидāда калимāтиҳи)
Яратган нарсаларининг сонича, Аршининг оғирлигича, Ўзининг розилигича, сўзларининг саноғича Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ (деймиз).

لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ أَهْلُ النِّعْمَةِ، وَلَهُ الْفَضْلُ، وَلَهُ الثَّنَاءُ الْحَسَنُ

(Лā илāҳа илла-л-лоҳу Аҳлу-н-ни‘мати ва лаҳу-л-фазлу ва лаҳу-с-санā’у-л-ҳасану)

Неъмат эгаси бўлган Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир. Фазл ва гўзал мақтов-сано Уникидир.

لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ صَاحِبُ الْوَحْدَانِيَّةِ الْفَرْدَانِيَّةِ الْقَدِيمِيَّةِ الأَزَلِيَّةِ الأَبَدِيَّةِ

(Лā илāҳа илла-л-лоҳу Соҳибу-л-ваҳдāнийййати-л-фардāнийййати-л-қадīмийййати-л-азалийййати-л-абадийййати)

Ёлғизлик, ягоналик, қадимийлик, азалийлик ва абадийлик соҳиби бўлган Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир.

لَيْسَ لَهُ ضِدٌّ وَلاَ نِدٌّ وَلاَ شِبْهٌ وَلاَ شَرِيكٌ

(Лайса лаҳу зиддун ва лā ниддун ва лā шибҳун ва лā шарйкун)

Унинг шериги, ўхшаши, тенги ва Унга қарши турувчи бирор зот йўқдир.

لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ وَحْدَهُ، لاَ شَرِيكَ لَهُ، لَهُ الْمُلْكُ، وَلَهُ الْحَمْدُ، يُحْيِي وَيُمِيتُ، وَهُوَ حَيٌّ لاَ يَمُوتُ، بِيَدِهِ الْخَيْرُ، وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ، وَإِلَيهِ المَصِيرُ

(Лā илāҳа илла-л-лоҳу Ваҳдаҳу лā шарӣка лаҳ, лаҳу-л-мулку ва лаҳу-л-ҳамду йуҳйӣ ва йумӣту ва ҳува ҳаййун лā йамуту бийадиҳи-л-хойру ва ҳува ‘алā кулли шай’ин қодӣрун ва илайҳи-л-масӣру)

Ёлғиз Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир. Унинг шериги йўқдир. Мулк Уникидир, мақтов Унга хосдир. Тирилтирувчи ҳам, ўлдирувчи ҳам Ўзидир. У ҳамиша барҳаёт ва ўлмайди. Яхшилик қўлидадир ва у ҳар бир ишга қодирдир. Тақдир Ун(инг қўли)дадир.

هُوَ الأَوَّلُ وَالآخِرُ وَالظَّاهِرُ وَالْبَاطِنُ، وَهُوَ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ، وَلَيْسَ كَمِثْلِهِ شَيْءٌ، وَهُوَ السَّمِيعُ الْبَصِيرُ

(Ҳува-л-аввалу ва-л-āхиру ва-з-зāҳиру ва-л-бāтину ва ҳува бикулли шай’ин ‘алӣмун ва лайса камислиҳи шай’ун ва ҳува-с-самӣ‘у л-басӣру)

Аввал ҳам, охир ҳам, зоҳир ҳам, ботин ҳам Удир. У ҳар бир нарсани билгувчидир. Унга ўхшаш бирор нарса йўқдир. У эшитувчи ва кўрувчидир.

حَسْبُنَا اللهُ وَنِعْمَ الْوَكِيلُ نِعْمَ الْمَوْلَى وَنِعْمَ النَّصِيرُ

(Ҳасбуна-л-лоҳ ва ни‘ма-л-вакӣлу ни‘ма-л-мавлā ва ни‘ма-н-насӣру)

Аллоҳ бизга кифоя қилади, У энг яхши Вакил, энг яхши Хожа ва энг яхши Ёрдамчидир.

غُفْرَانَكَ رَبَّنَا وَإِلَيْكَ الْمَصِيرُ

(Ғуфронака Роббанā ва илайка-л-масӣру)

Эй Роббимиз, гуноҳларимизни кечиришингни сўраймиз ва ҳузурингга қайтамиз.

اللَّهُمَّ لاَ مَانِعَ لِمَا أَعْطَيْتَ، وَلاَ مُعْطِيَ لِمَا مَنَعْتَ، وَلاَ رَادَّ لِمَا قَضَيْتَ، وَلاَ يَنْفَعُ ذَا الْجَدِّ مِنْكَ الْجَدُّ

(Аллоҳумма лā мāни‘а лимā а‘тойта ва ла му‘тийа лимā мана‘та ва ла рāдда лимā қазойта ва ла йанфа‘у за-л-жадди минка-л-жадду)

Аллоҳим, Сен берган нарсага ҳеч ким тўсқинлик қила олмайди. Сен ман қилган нарсани ҳеч ким бера олмайди, Сенинг ҳукмингга ҳеч ким қарши тура олмайди. Сенинг олдингда улуғлик эгасига улуғлиги фойда бермайди.

سُبْحَانَ رَبِّيَ الْعَلِيِّ الأَعْلَى الْوَهَّابُ

(Субҳāна Роббийа-л-‘ алиййи-л-а‘ла-л-ваҳҳāбу)

Ато этгувчи, Олий Роббим покдир.

سُبْحَانَ رَبِّيَ الْعَلِيِّ الأَعْلَى الْكَرِيمُ الْوَهَّابُ يَا وَهَّابُ

(Субҳāна Роббийа-л-‘алиййи-л-а‘ла-л-карӣму-л-ваҳҳāбу йā Ваҳҳāбу)

Эй ато этгувчи Зот (бўлган), олий карамли, улуғ ва олий Роббим покдир.

سُبْحَانَكَ مَا عَبَدْنَاكَ حَقَّ عِبَادَتِكَ

(Субҳānака мā ‘абаднака ҳаққо ‘ибāдатика)

(Парвардигоро), Сен поксан, Сенга муносиб бўлган ибодат қила олмадик.

سُبْحَانَكَ مَا عَرَفْنَاكَ حَقَّ مَعْرِفَتِكَ

(Субҳānака мā ‘арафнāка ҳаққо ма‘рифатика)

(Парвардигоро), Сен (айблардан) поксан, Сени лозим бўлганча таниёлмадик.

سُبْحَانَكَ مَا ذَكَرْنَاكَ حَقَّ ذِكْرِكَ

(Субҳānака мā закарнāка ҳаққо зикрика)

(Парвардигоро), Сен (айблардан) поксан, Сени керак бўлганича зикр эта олмадик.

سُبْحَانَكَ مَا شَكَرْنَاكَ حَقَّ شُكْرِكَ

(Субҳānака мā шакарнāка ҳаққо шукрика)

(Парвардигоро), Сен (айблардан) поксан, Сенинг шукрингни тўлиқ адо этолмадик.

سُبْحَانَ اللهِ الأَبَدِيِّ الأَبَدِ، سُبْحَانَ اللهِ الْوَاحِدِ الأَحَدِ، سُبْحَانَ اللهِ الْفَرْدِ الصَّمَدِ

(Субҳāна-л-лоҳи-л-абадиййи-л-абади Субҳāна-л-лоҳи-л-вāҳиди-л-аҳади Субҳāна-л-лоҳи-л-фарди-с-сомади)

Абадул-абад, яккаю-ягона, ёлғиз-у беҳожат бўлган Аллоҳ покдир.

سُبْحَانَ اللهِ رَافِعِ السَّمَاوَاتِ بِغَيْرِ عَمَدٍ

(Субҳāна-л-лоҳи рāфи‘и-с-самāвāти биғойри ‘амадин)
Осмонларни устунсиз кўтариб қўйган Аллоҳ покдир.

سُبْحَانَ اللهِ الَّذِي لَمْ يَتَّخِذْ صَاحِبَةً وَلاَ وَلَدًا،
سُبْحَانَ اللهِ الَّذِي لَمْ يَلِدْ وَلَمْ يُولَدْ وَلَمْ يَكُنْ لَهُ كُفُوًا أَحَدٌ

(Субҳāна-л-лоҳи-л-лазӣ лам йаттахиз соҳибатан ва лā валадā Субҳāна-л-лоҳи-л-лазӣ лам йалид ва лам йулад ва лам йакун лаҳу куфуван аҳад)
Хотин ва фарзанд тутмаган, туғмаган ва туғилмаган, бирор кимса унга тенг келмайдиган Аллоҳ покдир.

سُبْحَانَ الْمَلِكِ الْقُدُّوسِ، سُبْحَانَ ذِي الْمُلْكِ وَالْمَلَكُوتِ

(Субҳāна-л-малики-л-қуддуси Субҳāна зи-л-мулки ва-л-малакут)
Улуғ Подшоҳ, мулк ва малакут соҳиби (Аллоҳ) покдир.

سُبْحَانَ ذِي الْعِزَّةِ وَالْعَظَمَةِ وَالقُدرَةِ وَالهيبَةِ وَالْجَلاَلِ وَالْجَمَالِ وَالْكَمَالِ وَالْبَقَاءِ وَالثَّنَاءِ وَالضِّيَاءِ وَالآلاَءِ وَالنِّعْماءِ وَالْكِبْرِيَاءِ وَالْجَبَرُوتِ

(Субҳāна зи-л-‘иззати ва-л-‘азомати ва-л-қудрати ва-л-ҳайбати ва-л-жалāли ва-л-жамāли ва-л-камāли ва-л-бақā’и ва-с-санā’и ва-з-зийāи ва-л-āлā’и ва-н-нимāи ва-л-кибрийā’и ва-л-жабарути)

Иззат ва азамат, қудрат ва ҳайбат, буюклик ва гўзаллик, етуклик ва боқийлик, мақтов ва ёруғлик, неъматлар ва кибрлик, улуғлик соҳиби (Аллоҳ) покдир.

سُبْحَانَ الْمَلِكِ الْحَيِّ الَّذِي لاَ يَنَامُ وَلاَ يَمُوتُ،
سُبُّوحٌ قُدُّوسٌ رَبُّنَا وَرَبُّ الْمَلاَئِكَةِ وَالرُّوحِ

(Субҳāна-л-малики-л-ҳаййи-л-лазӣ лā йанāму ва лā йамуту суббуҳун қуддусун Роббунā ва Роббу-л-малā’икати ва-р-руҳ)

Бизнинг Роббимиз, Жаброил ва барча фаришталарнинг Робби, айбу нуқсонсиз, ухламайдиган ва ўлмайдиган, барҳаёт Подшоҳ (Аллоҳ) покдир.

سُبْحَانَ اللهِ وَالْحَمْدُ للهِ وَلاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ وَاللهُ أَكْبَرُ،
وَلاَ حَوْلَ وَلاَ قُوَّةَ إِلاَّ بِاللهِ الْعَلِيِّ الْعَظِيمِ

(Субҳāна-л-лоҳи ва-л-ҳамду Лиллāҳи ва лā илāҳа илла-л-лоҳу ва-л-лоҳу Акбар ва лā ҳавла ва лā қуввата иллā би-л-лāҳи-л-‘алиййи-л-‘азӣм)

Аллоҳ (барча айблардан) покдир, барча мақтовлар Унга хосдир. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, У улуғдир. Куч ва қувват фақат Буюк, Олий Аллоҳ биландир.

اللَّهُمَّ أَنْتَ الْمَلِكُ الْحَقُّ الَّذِي لاَ إِلَه إِلاَّ أَنْتَ

(Аллоҳумма Анта-л-малику-л-ҳаққу-л-лазӣ лā илāҳа иллā Анта)

Парвардигоро, Сен Ўзингдан бошқа илоҳ бўлмаган ҳақ подшоҳсан.

يَا اللهُ	- (Йā Аллоҳу)	Эй Аллоҳ
يَا رَحْمَنُ	- (Йā Роҳману)	Эй Меҳрибон
يَا رَحِيمُ	- (Йā Роҳӣму)	Эй Раҳимли
يَا مَلِكُ	- (Йā Малику)	Эй Подшоҳ
يَا قُدُّوسُ	- (Йā Қуддусу)	Эй (айб нуқсонлардан) пок
يَا سَلاَمُ	- (Йā Салāму)	Эй (камчиликлардан) Саломат
يَا مُؤْمِنُ	- (Йā Му'мину)	Эй (бало-офатлардан) Омон қилгувчи
يَا مُهَيْمِنُ	- (Йā Муҳаймину)	Эй Кузатгувчи

يَا عَزِيزُ	- (Йā ‘Азӣзу)	Эй Азиз
يَا جَبَّارُ	- (Йā Жаббāру)	Эй Бўйсундиргувчи
يَا مُتَكَبِّرُ	- (Йā Мутакаббиру)	Эй Кибр эгаси
يَا خَالِقُ	- (Йā Холиқу)	Эй (барча мавжудотни) Яратгувчи
يَا بَارِئُ	- (Йā Бāри'у)	Эй Бор қилгувчи
يَا مُصَوِّرُ	- (Йā Мусаввиру)	Эй (мавжудотларга) сурат, шакл бергувчи
يَا غَفَّارُ	- (Йā Ғоффāру)	Эй (гуноҳларни) Кечиргувчи
يَا قَهَّارُ	- (Йā Қоҳҳāру)	Эй Қаҳр қилгувчи
يَا وَهَّابُ	- (Йā Ваҳҳāбу)	Эй (бандаларига эҳсон) Ато қилгувчи
يَا رَزَّاقُ	- (Йā Роззāқу)	Эй (доимий) Ризқ бергувчи

يَا فَتَّاحُ	- (Йā Фаттāҳу)	Эй (мушкулларни) Очгувчи
يَا عَلِيمُ	- (Йā ‘Алӣму)	Эй (абадий ва азалий) Илм эгаси
يَا قَابِضُ	- (Йā Қобизу)	Эй (неъматларини) Сиқувчи́, тандан жонни олгувчи
يَا بَاسِطُ	- (Йā Бāситу)	Эй (раҳмат қўлини) Чўзгувчи
يَا خَافِضُ	- (Йā Хāфизу)	Эй (даражаларни) Пастлатгувчи
يَا رَافِعُ	- (Йā Рофи‘у)	Эй (даражаларни) Кўтаргувчи
يَا مُعِزُّ	- (Йā Му‘иззу)	Эй Азиз қилгувчи
يَا مُذِلُّ	- (Йā Музиллу)	Эй Хор қилгувчи
يَا سَمِيعُ	- (Йā Самӣ‘у)	Эй (ҳамма нарсани) Эшитгувчи
يَا بَصِيرُ	- (Йā, Басӣру)	Эй (ҳамма нарсани) Кўргувчи

يَا حَكَمُ	- (Йā Ҳакаму)	Эй (ҳукмига барча таслим бўлган) Ҳоким
يَا عَدْلُ	- (Йā ‘Адлу)	Эй Одил
يَا لَطِيفُ	- (Йā Латīфу)	Эй Мулойим Зот
يَا خَبِيرُ	- (Йā Хабīру)	Эй (ҳамма нарсадан) Хабардор
يَا حَلِيمُ	- (Йā Ҳалīму)	Эй Ҳалим (юмшоқ муомалали)
يَا عَظِيمُ	- (Йā ‘Азīму)	Эй Буюк Зот
يَا غَفُورُ	- (Йā Ғафуру)	Эй (гуноҳларни) Мағфират қилгувчи
يَا شَكُورُ	- (Йā Шакуру)	Эй озгина амалга кўп ажр Бергувчи
يَا عَلِيُّ	- (Йā ‘Алиййу)	Эй Олий Зот
يَا كَبِيرُ	- (Йā Кабīру)	Эй Улуғ Зот

يَا حَفِيظُ	- (Йā Ҳафӣзу)	Эй Сақловчи Зот
يَا مُقِيتُ	- (Йā Муқӣту)	Эй (махлуқотларни) озиқлантиргувчи
يَا حَسِيبُ	- (Йā Ҳасӣбу)	Эй (Ўзи) Кифоя қилгувчи
يَا جَلِيلُ	- (Йā Жалӣлу)	Эй (мартабаси) Улуғ
يَا كَرِيمُ	- (Йā Карӣму)	Эй (кенг) Карамли
يَا رَقِيبُ	- (Йā Рақӣбу)	Эй (доимо) Кузатгувчи
يَا مُجِيبُ	- (Йā Мужӣбу)	Эй (ижобат) Қабул қилгувчи
يَا وَاسِعُ	- (Йā Вāси‘у)	Эй (илми ва раҳмати) Кенг Зот
يَا حَكِيمُ	- (Йā Ҳакӣму)	Эй Доно (ҳаким) Зот
يَا وَدُودُ	- (Йā Вадуду)	Эй (бандаларига яхши-ликни) Суйгувчи
يَا مَجِيدُ	- (Йā Мажӣду)	Эй Шарафли Зот

يَا بَاعِثُ	- (Йā Бā‘ису)	Эй ўликларни Тирилтиргувчи, пайғамбарлар юборгувчи
يَا شَاهِدُ	- (Йā Шāҳиду)	Эй (ҳар бир ишга) Гувоҳ Зот
يَا حَقُّ	- (Йā Ҳаққу)	Эй Ҳақ (бўлган) Зот
يَا وَكِيلُ	- (Йā Вакīлу)	Эй (ҳамма ишлар унга) Топширилган Зот
يَا قَوِيُّ	- (Йā Қавīйу)	Эй Кучли (қудратли) Зот
يَا مَتِينُ	- (Йā Матīну)	Эй Матонатли (қувватли, ишончли) Зот
يَا وَلِيُّ	- (Йā Валīйу)	Эй (суювчи) Дўст бўлган Зот
يَا حَمِيدُ	- (Йā Ҳамīду)	Эй Мақталган Зот
يَا مُحْصِي	- (Йā Муҳсī)	Эй (барча нарсани) ҳисоблаб Тургувчи

يَا مُبْدِئُ	- (Йā Мубди'у)	Эй (барча нарсани йўқдан бор қилгувчи) Бошлаб бергувчи
يَا مُعِيدُ	- (Йā Му‘йду)	Эй Қайтаргувчи Зот
يَا مُحْيِي	- (Йā Муҳйй)	Эй Тирилтиргувчи Зот
يَا مُمِيتُ	- (Йā Мумйту)	Эй Ўлдиргувчи Зот
يَا حَيُّ	- (Йā Ҳаййу)	Эй Барҳаёт Зот
يَا قَيُّومُ	- (Йā Қаййуму)	Эй (азалдан то абад) Қоим тургувчи
يَا وَاجِدُ	- (Йā Вāжиду)	Эй (истаган нарсасини) Топгувчи
يَا مَاجِدُ	- (Йā Мāжиду)	Эй Улуғлик (эгаси) бўлган Зот
يَا وَاحِدُ	- (Йā Вāҳиду)	Эй Ягона (бўлган) Зот
يَا أَحَدُ	- (Йā Аҳаду)	Эй Якка (бўлган) Зот

يَا صَمَدُ	- (Йā Самаду)	Эй (ҳамма унга муҳтож, ўзи эса) Беҳожат Зот
يَا قَادِرُ	- (Йā Қādиру)	Эй (ҳар нарсага) Қодир
يَا مُقْتَدِرُ	- (Йā Муқтадиру)	Эй Тақдир қилгувчи
يَا مُقَدِّمُ	- (Йā Муқаддиму)	Эй (ҳодисотларни, агар хоҳласа), Олдинга ўтказгувчи Зот
يَا مُؤَخِّرُ	- (Йā Му'аххиру)	Эй (ҳодисотларни, агар хоҳласа), Орқага сургувчи Зот
يَا أَوَّلُ	- (Йā Аввалу)	Эй (барча нарсанинг) Аввали
يَا آخِرُ	- (Йā Āхиру)	Эй (барча нарсанинг) Охири
يَا ظَاهِرُ	- (Йā Зāҳиру)	Эй (борлиги) Аён Зот
يَا بَاطِنُ	- (Йā Бāтину)	Эй (сезгиларимиздан) Яширин Зот
يَا وَالِي	- (Йā Вāлӣ)	Эй (бутун мавжудотга) Хожа

يَا مُتَعَالِ	- (Йā Мутаʻāли)	Эй (ниҳоят даражада) Олий бўлган Зот
يَا بَرُّ	- (Йā Барру)	Эй Яхшилик қилгувчи
يَا تَوَّابُ	- (Йā Таввāбу)	Эй Тавбаларни қабул қилгувчи
يَا مُنْعِمُ	- (Йā Мунʻиму)	Эй Неъмат бергувчи
يَا مُنْتَقِمُ	- (Йā Мунтақиму)	Эй Интиқом олгувчи
يَا عَفُوُّ	- (Йā ʻАфувву)	Эй (хатоларни) Авф этгувчи
يَا رَؤُوفُ	- (Йā Роʼуфу)	Эй Меҳр-шафқатли
يَا مَالِكَ الْمُلْكِ	- (Йā Мāлика-л-мулки)	Эй (барча) мулклар Эгаси
يَا ذَا الْجَلَالِ وَالإِكْرَام	- (Йā За-л-Жалāли ва-л-Икром)	Эй Улуғлик ва Фазлу Карам эгаси
يَا رَبُّ	- (Йā Роббу)	Эй Тарбия қилгувчи

يَا مُقْسِطُ	- (Йā Муқситу)	Эй Адолат қилгувчи
يَا جَامِعُ	- (Йā Жāми‘у)	Эй (борлиқни) Жамловчи
يَا غَنِيُّ	- (Йā Ғанийу)	Эй (эҳтиёжсиз) Бой
يَا مُغْنِي	- (Йā Муғнӣ)	Эй (истаганини) Бой (беҳожат) қилгувчи
يَا مُعْطِي	- (Йā Му‘тӣ)	Эй (неъматларини) Ато этгувчи
يَا مَانِعُ	- (Йā Мāни'у)	Эй (неъматларини) Тўсгувчи
يَا ضَارُّ	- (Йā Зорру)	Эй Зарар етказгувчи
يَا نَافِعُ	- (Йā Нāфи‘у)	Эй Фойда етказгувчи
يَا نُورُ	- (Йā Нуру)	Эй Нур (таратгувчи)
يَا هَادِي	- (Йā Ҳāдӣ)	Эй Ҳидоят қилгувчи
يَا بَدِيعُ	- (Йā Бадӣ‘у)	Эй Ажойиб (бетакрор) Яратгувчи

يَا بَاقِي	- (Йā Бāқӣ)	Эй Боқий қолгувчи
